

Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бир маййитни ювса, кафанласа, хушбўй нарса суртса, уни кўтарса, унга жаноза намози ўқиса ва кўрган нарсасини фош қилмаса, гуноҳларидан худди онасидан туғилган кундагидек бўлиб чиқади», дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Маййитни бегона кўзлардан беркитиш лозим, токи унинг бирор айби бўлса, бошқалар кўриб қолмасин. Маййитни уй ичида ювиш ва у ерда ғассолга ёрдам берадиган кишилардан бошқалар бўлмаслиги мустаҳабдир. Ғассол ёрдамга муҳтож бўлмаса, ёлғиз ўзи югани афзал. Ғассол маййитни юваётганда, хушбўй нарсалар тутатилса, яна ҳам яхши бўлади.

Ғассол ва бошқалар маййитнинг авратига назар солмасликлари лозим. Бунинг учун ювиш пайтида маййитнинг авратига бирор мато ёпиб қўйилади. Авратни юганда қўлга латта кийиб олиб ювиш шарт. Ғассол маййитнинг баданидаги керак бўлмаган жойларига назар солмайди.

Ғассоллик ва маййитни кафанлаш, унга гўр қазиш каби ишларга ҳақ олмаган афзал. Ғассол маййитни ювиб бўлганидан кейин ўзи ғусл қилиши мустаҳабдир.

Ижтимоий одоблар китоби асосида тайёрланди